

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

*O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirligi
2-son Toshkent akademik litseyi huquqiy
fanlar kafedrasida o'qituvchisi:*

M.O.Boboyorov

Жиноятчиликнинг олдини олиш бугун ёки кеча пайдо бўлиб қолган муаммо эмас. Тарихий манбаларни таҳлил қилиш ушбу муаммонинг жуда қадимий илдизга эга эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан, Амир Темур ҳам жиноятларнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Соҳибқирон давлатининг тузилишини ва фаолиятини таҳлил қилиш унинг давлатида бу борада бутун бошли тизим мавжуд бўлганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Биринчидан, Амир Темур турли хил тарқоқ феодал давлатлар ўртасидаги урушларни тугатиш уларнинг оқибати сифатида юзага келган бебошлик, хунрезлик, талон-тарожлик каби жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилишини билган. Бунинг учун 1366–1399 йилларда олиб борилган юришлар натижасида забт этилган улкан ҳудудда Амир Темур кучли марказлашган давлат қурган. Оқибатда ўзаро урушларнинг барҳам топишига, улкан ҳудудда муайян вақт тинчлик осойишталик ўрнатилишига, фан, маданият, хунармандчилик, дехкончилик, савдо сотиқнинг ривожланишига, пировардида инсоннинг энг асосий ҳуқуқлари таъминланишига шароит яратилган. Иккинчидан, жиноятчиликнинг олдини олишда Темур давлатининг бошқарув тизими алоҳида ўрин тутган. Унинг давлати марказлашган давлат бўлиб, бутун ҳокимият давлат бошлиғининг кўлида тўпланган. Давлатни бошқаришда ҳозирги парламентни эслатувчи кенгашлар алоҳида ўрин тутган. Вақт-вақти билан муҳим ижтимоий муаммоларни ечишда катта ва кичик мажлислар чакириб турилган. Маслаҳат ва машварат давлат ишларининг режа асосида олиб борилишига, бинобарин, турли хил норозиликлар ва тушунмовчиликларнинг бартараф этилишига ва шу асосда юзага келиши мумкин бўлган жиноятларнинг олди олинишига имкон берган.

Масалан, Амир Темурнинг бу борада тутган йўлини «Тузуқлар» даги фикрларидан яққол кўриш мумкин. Чунончи, Соҳибқирон «салтанат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилиши», «ўз ўрнида кўлланган тадбир билан кўплаб лашкарларнинг қиличи ожизлик қилган хар қандай мамлакат дарвозасини очиб, фавж-фавж лашкарни енгиб бўлишини», «азми катъий, тадбиркор, лоқайд кишидан яхшироқ» эканлигини, «чунки тажрибали бир киши минглаб одамга иш» буюришини, «Гарчи ишнинг қандай яқунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, акли расо ва ҳушёр киши мулоҳазакорлик, тадбир ва кенгашга таяниши лозимлигини таъкидлаган.

Жиноятчиликнинг олдини олишда девонбеги бошчилигидаги буюк девон Темур давлатида асосий мавқега эга бўлган. Жойларда ҳокимият, вилоятларда валилар, бекликларда беклар, шаҳарлар эса ҳокимлар кўлида бўлган. Бу борада ҳарбий кўшин, суд ва миршаблик алоҳида ўрин тутган. Соҳибқирон кўчақўйда халқ тинчлиги, осойишталигини сақлаш чораларини кўриб шундай дейди: «Амр этдимки, «ўғри ва

карокчиларни «Ёсо» асосида жазолансинлар; фасодчи, бузуки, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдасинлар. Эзма-бекорчи одамларни вилоят ва шаҳарларда қолдирмасинлар».

Ҳар бир шаҳар ва қишлоққа қутвол тайинласинларки, сипоҳу раиятга соқчилик қилсин ва кимнинг бирон нарсаси ўғирланса, бунинг масъулияти унинг зиммасида бўлсин.

Ва яна буюрдимки, йўл устига кузатувчилар, зобитлар тайинласинларки, йўлларни қўриқлаб, йўловчилар, савдогарлар, мусофирларни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб қўйсинлар. Йўл устида бирортасининг нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа қор ҳол юз берса, булар учун жавобгарлик уларнинг зиммасида бўлсин».

Жиноятчиликнинг олдини олишдаги энг олий давлат идораси даргоҳ бўлган. Ундаги муҳим вазифалардан бирини арзбеги бажарган. У даргоҳга арздод, шикоят билан келганлар ҳамда мамлакатда содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабатини билдирувчиларни қабул қилишни уюштириш, тушган арзлар, шикоятлар, таклифларни олий ҳукмдорга етказиб туришга масъул бўлган.

Бундан ташқари, даргоҳда адолат амири лавозими мавжуд бўлиб, у турли ўлка ва шаҳарларда «сипоҳ ва райийат орасида урф-одатларга оид жанжалли ишлар ҳақида» бохабар бўлиб, олий ҳукмдорга ҳисобот ва маълумот етказиб турган.

Бошқача айтганда, жойлардаги аҳволдан хабардор бўлиб туришнинг икки йўлидан фойдаланилган: биринчисига кўра, арзчилар пастдан юқорига, яъни тўғридан-тўғри даргоҳга мурожаат қилиш имконига эга бўлганлар; иккинчиси эса махсус хизмат орқали жойлардаги вазиятни текшириш имконини берган. Мана шу икки йўл билан жойларда рўй бераётган адолатсизлик, тартибсизлик, давлат ва жамият манфаатларига зид ишлар ҳақида рўй рост маълумот олинган, махсус ишончли вакилларим жойларга бориб, воқеани ўрганиб, тегишли чораларни кўрганлар. Чунончи, бирон кишига нисбатан зулм, адолатсизлик қилинган бўлса, адолатни тиклаб, ўша ер маҳаллий хазинасидан уларга тўлов ажратиб қайтганлар. Вакилларим ўзлари тафтиш қилган ишлари, кўрилган чоралар ҳақида кейин ёзма ҳисобот берганлар. Буларнинг барчаси жиноятчиликнинг олдини олишда алоҳида ўрин тутган.

Темур давлатида алоҳида муассаса - адолат девони бўлган. У асосан давлатга қарши жиноятлар, бошқариш тартибига қарши жиноятлар ва мансабдорлик жиноятларини кўриб, тегишли жазо тайинлаган.

Салтанатда махсус жиноят қидирув миришаблиги бўлган. У савдо қарвонлари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, босқинчилар ва ўғрилар тўдаларини топиш ҳамда қўлга олиш, шариат қоидаларини бузганларга, дарбадарларга, тиламчиларга қарши чоралар кўриш билан шуғулланган.

Амир Темур даврида воқеанависларнинг мавқеи катта бўлган. Улар ҳар бир мамлакат, вилоят, шаҳар, қишлоқларда бўлиб, у ерда бўлаётган воқеалар ҳақида давлат бошлиғини хабардор қилиб турганлар. Бу эса жиноятларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга бўлган.

Юқорида баён қилинганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, Темур давлатида қаттиқ тартиб интизом жорий этилган. Тартибни бузган шахс асло жазосиз қолмаган, ҳар

бир мансабдор шахснинг ҳуқуқ ва бурчлар қатъий ва аниқ белгилаб қўйилган. Фуқароларнинг ҳақхуқуқларини поймол қилувчилар, ўғрилар, қароқчилар шафқатсиз жазоланган. Бундай тартибнинг жорий қилиниши оқибати натижасида бутун мамлакатда тинчлик осойишталикнинг қарор топишига, иқтисод ва маданият, шунингдек савдо-сотиқнинг ривожланишига имкон берган.